

УЧРАШУВЛАР САМАРАСИ



УЧРАШУВЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси О.Иминов, Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши котибият мудирлари С.Абдураимов, Халқ депутатлари туман Кенгаши котибият мудирлари М.Хужанов ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгаши 5-Миршоди сайлов округдан сайланган депутат Ш.Мамасобировлар билан биргаликда тумандаги 12-сонли умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим ташкилотларида яратилган шароитлар ҳамда мавжуд муаммолар тўғрисида ходимлари ва фуқаролар билан учрашувлар ўтказилди.

Фуқаролар томонидан берилган таклиф ва муаммолар ёзиб олинди ҳамда тегишли жойларга муаммоларини ҳал қилиш юзасидан таклифларни беришни айтиб ўтилиб, қўмитаси раиси О.Иминов мактаб ўқувчиларни билим салоҳияти ва таълим тарбия олиш жараёнлари билан қизиқди. Қўмитаси раиси мактаб ўқувчилар билан суҳбат ўтказди. Шундан сўнг туман кенгаши депутати Ш.Мамасобиров томонидан ижтимоий соҳа бўйича амалга оширилаётган ишлар бўйича танишиб тегишли тавсиялар берди. Туман кенгаши депутати Ш.Мамасобиров 2022 йилдаги ўзининг тадбиркорлик соҳаси билан биргаликда маҳаллада ташкил этилган ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажаришдаги режалар билан ўртоқлашди.

Халқ депутатлари туман

Кенгаши котибияти бош мутахассиси

И.Розиқов